



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2019 йил 26 МАРТ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 48 (13.895)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Абу-Даби Амирлиги валиаҳди Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг таклифига биноан 24 март куни расмий ташриф билан Бирлашган Араб Амирликларига келди.

Абу-Даби, 25 март. ЎЗА махсус муҳбири Умар АСРОРОВ хабар қилади.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 25 март куни Абу-Даби шаҳрида бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари таомилга кўра, дастлаб Абу-Даби шаҳридаги шайх Зоид бин Султон Ол Наҳаён мақбараси ва масжидини зиёрат қилди.

Шайх Зоид бин Султон Ол Наҳаён Бирлашган Араб Амирликларининг биринчи Президентидир. У 2004 йили ўзи қурдирган мажмур масжид ёнида дафн этилган. Бугунги кунда ушбу масжид ва мақбара мамлакат аҳолиси учун табаррук масканга, хорижий делегациялар раҳбарлари ташриф буюрадиган мажмуага айланган.

Ушбу мажмуа дунёдаги энг катта масжидлардан бири бўлиб, қурилиш ишлари 1996 йилдан 2007 йилгача давом этган. Унда бир вақтнинг ўзига 40 минг киши намоз ўқиши мумкин.

Мажмуага ташриф асносида шайх Зоид бин Султон Ол Наҳаён руҳига Қуръон тиловат қилинди.

Президентимизга масжиднинг қурилиш тарихи, ўзига хос меъморий жиҳатлари, сайёҳлар ва зиёратчилар учун яратилган шароитлар ҳақида сўзлаб берилди.

Шавкат Мирзиёев мақбаранинг Зиёратчилар китобида дастхат қолдирди.

Давлатимиз раҳбари "Воҳат ал-Карома" ёдгорлигига гулчамбар қўйди.

"Қадр-қиммат воҳаси" маъносини англатувчи ушбу ёдгорлик Бирлашган Араб Амирликлари озодлиги ва бирдамлиги учун қурбон бўлганлар шарафига бунёд этилган. Ёдгорлик бир-бирига таяниб турган 31 блокдан иборат бўлиб, раҳбарлар, ҳарбийлар ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро ҳамжихатлик ва қўллаб-қувватлаш рамзи ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари ёдгорликнинг Фахрий меҳмонлар китобида дастхат қолдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Абу-Даби шаҳрида Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаённи қабул қилди.

Учрашувда ижтимоий ҳавфсизликни таъминлаш соҳасида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди. Бу борада ўзаро тажриба алмашиш, делегациялар ташрифини йўлга қўйиш юзасидан келишувларга эришилди.

Абу-Даби шаҳридаги "Қаср ал-Ватан" саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари давлат мадхиялари янгради.

Икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев самимий қабул ва юксак эҳтиром учун миннатдорлик билдириб, халқларимизнинг диний-маънавий қадриятлари муштарақ экани, бу икки мамлакат ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳидаги ҳамкорликни ривожлантиришга асос бўлишини таъкидлади.

Бирлашган Араб Амирликлари тарихан қисқа даврда – эллик йилда саҳро қўйнида мўъжиза яратиб, иқтисодий, инновация, савдо, молия ва туризм бўйича дунё марказларидан бирига айланганини, Ўзбекистон шу соҳаларда ҳамкорлик қилиш ва тажриба алмашишдан манфаатдор эканини қайд этди.

Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён Ўзбекистонда иқтисодий либераллаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва давлатнинг халқро нуфузини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо берди.

Бирлашган Араб Амирликлари ҳудуди кичик, лекин нуфузи ва имкониятлари жиҳатидан катта салоҳиятга эга мамлакат. Бу ерда саноат, ташқи савдо логистикаси, транспорт, туризм, фуқаро авиацияси, инновация ва ахборот технологиялари, банк ва молия соҳалари жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда Амирликлар дунё маҳсулотларини минтақага реэкспорт қилаётган асосий транзит мамлакатидир.

Кулай географик жойлашув ва солиқ сиёсати мамлакатга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими кириб келишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, Амирликларнинг ўзи ҳам фаол ташқи инвестиция сиёсати олиб бормоқда. 2018 йилда БАА хорижий давлатларга 12 миллиард доллар миқдорда тўғридан-тўғри инвестициялар йўналтирган.

Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида дипломатик алоқалар 1992 йил 25 октябрда ўрнатилган. Яқинда икки томонлама муносабатлар тарихида илк бор Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Араб Амирликларидаги Фавкулдада ва мухтор элчиси тайинланди.

Мамлакатимизда БАА инвестициялари иштирокида 107 та корхона фаолият юритмоқда. Ушбу мамлакат фирма ва компанияларининг 28 та ваколатхонаси очилган. Улар асосан тўқимачилик маҳсулотлари, қурилиш материаллари, мева консервалари, полиграфия, улгурчи савдо, умумий оватланмиш тармоқлари, хизмат кўрсатиш йўналишларида иш олиб бормоқда.

2018 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмаси ҳажми қарийб 400 миллион долларни ташкил этган.

Давлатимиз раҳбари бу кўрсаткич аввалги йилларга нисбатан ўсгани, лекин томонларнинг салоҳиятини ҳисобга олганда, етарли даражада эмаслигини таъкидлади. Шу боис музокараларда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, инновацион, банк-мо-

лия, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги амалий алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ушбу ташриф ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги bosқичга кўтаришига ишонч билдирилди.

Жорий йил 12 март куни Тошкентда бўлиб ўтган Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – БАА ҳукуматлараро комиссиясининг учинчи йилги натижалари ижобий баҳоланди. Ҳукуматлараро комиссия олдида яқин йилларда ўзаро савдо айланмаси ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш, бунинг учун товар етказиб беришни кўпайтириш, хом ашёни қайта ишлаш ва қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Икки мамлакатда ҳам туризм соҳасида улкан салоҳият мавжуд. Амирликлар аҳолиси буюк алломаларимиз мақбараларини зиёрат қилиш, табиатимиз манзараларидан баҳра олишга орзуманд. Утган йили БААдан юртимизга келган сайёҳчилар сони 1,5 баробар ўсди.

Президентимизнинг яқинда имзоланган Фармонида мувофиқ, юртимизда Бирлашган Араб Амирликлари фуқаролари учун визасиз режим жорий қилинди. Бу Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида нафақат туризмни ривожлантириш, балки савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни янада фаоллаштиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралардан сўнг икки томонлама имзоланган ҳужжатларни алмашиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси билан БАА ўртасида Қўшма баёнот қабул қилинди. Инвестициялар, молия, муқобил энергетика, саноат ва инфратузилма ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги, божхона маъмуричилиги, маданият ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик бўйича имзоланган ҳужжатлар алмашилди. Умуман, ташриф доирасида умумий қиймати 10 миллиард доллардан ортиқ бўлган келишувларга эришилгани маълум қилинди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев ва Абу-Даби Амирлиги валиаҳди Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Самимий мулоқотда сиёсат, ҳавфсизлик, инвестиция соҳалари юзасида фикр алмашилди. Савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, энергетика ва инфратузилма йўналишида қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш, фан-технология ва таълим соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олинди.

Учрашувда томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

Ахборот-коммуникация технологиялари

ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ АКТ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИКНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Жанубий корейлик мутахассислар Ўзбекистонда "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда, янги электрон давлат хизматларини ишлаб чиқишга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон – Корея форумида шу ҳақида сўз борди.

Халқаро форум Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Корея Республикаси Давлат бошқаруви ва хавфсизлик вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда Корея Республикаси давлат бошқаруви ва хавфсизлик вазири ўринбосари Юн Жон Ин бошчилигидаги делегация, юртимиз вазирилик ва идоралари, "Электрон ҳукумат" тизими доирасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган лойиҳаларни ишлаб чиқишга жалб этилган жанубий корейлик АКТ мутахассислари иштирок этди.

Тадбирда ҳозирги кунда рақамли технологияларнинг ривожланиш даражаси ва улардан фойдаланиш самарадорлиги дунё мамлакатлари рақобатбардорлигига сезиларли таъсир кўрсатгани таъкидланди. Шунинг учун замонавий АКТларнинг жадал ривожланиши, инновацияларни жорий қилиш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш Ўзбекистонда амалга оширилаётган соҳаларнинг устувор йўналишларидан биридир. Бунда "Электрон ҳукумат" тизимини модернизация қилиш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Электрон шаклда кўрсатилаётган давлат хизматлари кўлами кенгаймоқда.

Бу, ўз навбатида, фуқаролар ва давлат харажатларини минималлаштириш имконини бериш баробарида коррупцияга қарши курашнинг самарали воситаси ҳамдир.

Анжуманда замонавий АКТлардан давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва уларнинг очкилигини таъминлашда фойдаланишни жорий ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди. Соҳада қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти янада такомиллаштиришга доир таклифлар билдирилди.

Хусусан, "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун мамлакатимизни иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ҳужжат билан жамоат ва давлат қурилиши соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш комплекс ва тизимли равишда тартибга солинган. Бу жамиятнинг демократлаштириш янада жадаллаштириш, фуқароларни қарорлар қабул қилиш жараёнига фаол жалб қилиш, ахборот ва замонавий давлат электрон хизматларидан фойдаланиш тизимини ривожлантириш учун зарур ташкилий-техник шароитларни яратишга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда)

ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРАРО МУЛОҚОТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Сайёрамиз жадал суръатлар билан ўзгараётган, жаҳонда глобаллашув жараёнлари рўй бераётган бугунги кунда инсоният чуқур фундаментал ўзгаришларни бошдан кечирмоқда.

Ана шундай шароитда давлатлар ҳамкорликнинг мустаҳкам механизмларини яратишга интилиши табиий ҳол. Шулардан бири барқарор тинчлик ўрнатишнинг муҳим шартини ҳисобланган цивилизациялараро мулоқот бўлиб, у мустаҳкам ҳавфсизлик ва йўғун ривожланиш, мамлакатлар ва халқлар бир-бири билан мулоқот қиладиган, тажриба ўрганадиган, ўзаро ишончга асосланган ва турли маданиятларни ҳурмат қилиш асосида ривожланишнинг дунёни яратишга хизмат қилади.

Шу маънода Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатлар ва халқлар ўртасида ўзаро ишончнинг янада чуқурлаштириш – халқаро ҳамкорликни муваффақиятли ривожлантиришнинг муҳим гарови эканини алоҳида қайд этиб келмоқда. Ишонч эса икки ва кўп томонлама муносабатларда ўзаро англашувнинг муҳим омил экани ҳаммага маълум.

Айнан шу боис хорижий давлатлар, энг аввало, қўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш, доллар муаммоларини биргалликда ҳал этиш, барқарор ривожланишга эришиш, минтақада тинчлик, барқарорлик ва ҳавфсизликни таъминлаш каби тамойиллар Ўзбекистоннинг янгиланган ташқи сиёсати асосини ташкил этади.

Мазкур ғоя Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йили Остона шаҳрида бўлиб ўтган ШХТ саммитида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти марказларини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Халқ дипломатиясининг мунтазам фаолияти олиб борувчи институти ишонч ва яхши қўшничилик, миллатлараро ва динлараро тотувлиқни мустаҳкамлаш, цивилизациялараро мулоқотни ривожлантиришга хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур таклифни ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида мамлакатимизда давлат ва жамоат ташкилотлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Ташқи ишлар, Маданият, Олий ва ўрта махсус таълим, Жисмоний тарбия ва спорт вазирликлари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Фанлар академияси ва Бадий академия, Ёшлар иттифоқи, Журналистлар, Ёзувчилар уюмлари нодавлат нотижорат ташкилот шаклидаги марказ таъсис этиш ташаббуси билан чиқди.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСКА САТРЛАРДА

• **Тошкент шаҳар ҳокимлигида Япониянинг Нагоя шаҳри ҳокимлиги вакиллари билан шаҳарлар ўртасида туризмни ривожлантиришга бағишланган учрашув бўлиб ўтди.**

• **Миллий матбуот марказида "2019 йил 21-27 март кунлари "Театр томошалари" ҳафталиги тадбирлари муносабати билан матбуот анжумани ташкил қилинди.**

• **Шаҳримизда юрак-қон томир касалликларини даволовчи "American Hospital" маркази очилди.**

XXI сақоси
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятидаги Халқ қабулхонасида Президент Администрацияси томонидан сайёр қабул ўтказилди. Сайёр қабулда ҳар бир мурожаатчининг арзу ҳоли тингланиб, эътирозга сабаб бўлган ҳолатлар чуқур таҳлил қилинган ҳолда уларни бартараф этиш чоралари қўрилди. Аксарият мурожаатларда келтирилган қонунбузилиш ҳолатлари ва бошқа ижтимоий-иқтисодий муаммолар жойида ҳал этилди.**

• **Термиз шаҳридаги "Хотира" майдонида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳоли осойишталигини таъминлашда яхши натижаларга эришаётган бир гуруҳ профилактика инспекторлари ва жамоатчилик вакиллари рағбатлантиришга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.**

• **Самарқанд вилояти Ургут тумани марказида иш бошлаган илк хусусий боғча – "Анорабегим" нодавлат мактабгача таълим муассасаси тадбиркор Анвар Фазлиев томонидан бунёд этилди. 2 миллион сўмдан ортиқ маблаг сарфланган боғча 80 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда болаларнинг соғлом ўсиши, таълим-тарбия олиши учун барча шароит яратилган. Хоналар замонавий меъбел ва ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Болаларга рус ва инглиз тилларида сабоқ берилади. Ота-оналарга қўлайлик яратиш мақсадида болаларни боғчага олиб келиш ва олиб бориб қўйиш учун тадбиркор томонидан битта "Дамас" автомашинаси ҳам ажратилган.**

• **Наманган шаҳридаги "Марказий" стадионида вилоят ва Наманган шаҳар ҳокимлиги, вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, футбол ассоциацияси раҳбарияти, журналистлар ва миллионлар ўйини ишқибозлари иштирокида "Навбахор" футбол клубининг янги мавсумга бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди.**

ЖАҲОНДА

• **АҚШ президенти Доналд Трамп Шимолий Кореяга нисбатан кучга киритилган янги санкцияларни бекор қилди.**

• **Грузияда хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан 40 граммдан ортиқ миқдордаги уран ядро материални 2 миллион 800 минг долларга пулламоқчи бўлган икки жиноятчи ушланди. Ҳозирда қўлга олинганлардан ядро қуролни ишлаб чиқаришда ишлатилган ушбу стратегик моддани қаердан олгани, кимга ва нима мақсадда сотмоқчи бўлганлиги аниқланмоқда.**

• **Миср фиръавни Тутанхамоннинг бебаҳо хазинасининг катта қисми Парижда кўргазмада намойиш этилмоқда. Таъкидлаш жоизки, кўргазмадан ўрин олган айрим экспонатлар илк бор Мисрдан ташқарига чиқарилган. Ушбу қизқаркли кўргазма сентябрь ойига қадар таътил қилинган бўлиб ўтди.**

• **"Туркистон" саройида "Ички ишлар органларининг намунали таянч пунктлари" Республика танловига бағишланган тадбир ўтказилди.**

• **Пойтахтимизда рус-ўзбек маркази иш бошлади.**

Маълумки, 2018 йил 15 октябрда янги тахрирда қабул қилинган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги Қонунга биноан жорий йилнинг май ойида Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) навбатдаги сайлови ўтказилиши кутилмоқда.

Айни пайтда ушбу сайловга тайёргарлик ишлари қизғин бошлаб юборилган. Шу муносабат билан сайловни ўтказишга оид баъзи демократик принциплар ҳақида фикрлашиб олиш мақсада мувофиқ, Зеро, мамлакатимизда адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш жараёнида адолатли ва эркин сайловлар ҳал қилувчи омиллардан ҳисобланган. Инчунин, сайлов демократиянинг энг асосий белгисидир. Айнан сайловлар воситасида халқ оммаси давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки билвосита иштирок этадилар. Бинобарин, қонуларимизда ҳам фуқароларнинг сайловларда фаол иштирок этишлари учун халқро андозаларга мос демократик тамойиллар ўрнатилган.

Сайловларда миллий ва халқро кузатувчиларнинг иштироки, фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги устидан шикоят қилиши ва бунинг учун тегишли жавобгарликнинг кўзда тутилганлиги.

Сайлов ҳуқуқининг мазкур умумэтироф этилган халқро принциплари Ўзбекистоннинг сайловларга оид қонунарида ҳам мустаҳкамланган. Жумладан, "Фуқаролар

Сайлов ташкил этилаётганда ҳамда ўтказилаётганда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ўтказиладиган сана, вақт ва жой тўғрисида фуқаролар воқифи этилади, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар ҳақида, овоз бериш яқунари тўғрисида хабардор қилинади.

Қонунда кўрсатилганидек, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш санаси, вақти ва жойи, сайловга қўйилган номзодлар тўғрисидаги

аввалгидек фуқаролар йиғинида, фуқаролар йиғинини қақариш имкони бўлмаган тақдирда эса, фуқаролар вакилларининг йиғилишида амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, сайловни ташкил этиш ва ўтказишда давлат органлари фуқаролар йиғинларига қўмақлашди, зарур ҳолларда эса уларни биналар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш шарт.

Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) сайлаш тартибидеги яна бир демократик ўзгариш шундан иборат: сайлов иборати, эндиликда сайловлар фақат яширин овоз бериш орқали, яъни сайлов бюллетенларини тўлдириб йўли билан амалга оширилади. Илгари овоз бериш яширин ёки овоз бериш йўли билан амалга оширилиши мумкин эди.

Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) сайлаш тартибидеги яна бир демократик ўзгариш шундан иборат бўлдики, сайловда ҳовиллар, уйлар ва кўчалардан вакиллик нормасини илгаригидек тегишли комиссия белгиласа ҳам, бироқ, бунда фуқаролар вакилларининг сони сайловда иштирок этиш ҳуқуқига ага бўлган фуқаролар умумий сонининг камида 12 фоизини ташкил этиши шарт қилиб белгиланди.

Юқоридагилар билан бир қаторда, раисларни (оқсоқолларни) сайлашнинг белгиланган тартиб-таомили бундан буён уларнинг масъулиятларига нисбатан татбиқ этилмайдиган бўлди. Энди улар оқсоқол сайлови натижалари бўйича бир ой ичида, фуқаролар йиғини кенгаши, фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялари ва тафтиш комиссиясини шакллантириш билан бир вақтда сайланади.

Шундай қилиб, қонуларимиз Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини умумий, тенг, тўғриват-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилишини қарор қилди. Шунингдек, сайловларнинг муамтаза ва мажбурий, очик ва ошқора, эркин ва адолатли тарзда ўтказилиши учун ҳуқуқий тартиботлар белгиланди. Сайловлар давлат томонидан молиявий таъминланади ва ахборот жиҳатдан қўлаб-қувватланади. Шу жиҳатдан сайловга оид қонуларимиз ўзининг демократик тамойиллари билан халқро андозаларга тўла-тўқис мос келади.

Ҳайдарали МУХАМЕДОВ, ТДҲУ Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси профессори

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ)НИ САЙЛАШНИНГ АДОЛАТЛИ ВА ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРИ

йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 3-моддасига кўра, Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг иштирок этиши ихтиёрий ва эркиндир. Фуқароларни сайловда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка мажбур қилиш мақсадида уларга таъсир кўрсатишга, шунингдек, уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир кўрсатишга ҳеч қим ҳақи эмас. Бунда мазкур маҳаллада доимий яшовчи, сайлов кунини ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролар сайлаш ҳуқуқига эга бўлади. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг сайловда иштирок этиши мумкин эмас. Сайловда фуқароларнинг иштирок этиш ҳуқуқларини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Қонунга биноан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш ошқоралик, муқобиллик ҳамда тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида амалга оширилади. Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш очик ҳамда ошқора амалга оширилади.

ахборот Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларнинг расмий веб-сайтларига сайлов ўтказилишини камида беш кун олдин жойлаштирилади. Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёни оммавий ахборот воситалари томонидан ёритиб борилади.

Қонуннинг 6-моддасида белгиланганидек, сайлов муқобиллик принципи асосида ўтказилади. Бунга кўра, сайловда оқсоқол лавозимига икки ва ундан кўп номзод кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.

Юқоридагилар билан бирга оқсоқолни сайлашда фуқаролар жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадир. Сайловда ҳар бир иштирокчи бир овозга эга бўлади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)ни сайлаш тартибидеги муҳим ағиллардан бири эндиликда оқсоқоллар 2,5 йилга эмас, 3 йил муддатга сайланадилар. Сайловлар

ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ АКТ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИКНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Форум доирасида Ўзбекистон электрон ҳуқуқнинг устувор вазиғалари, Ахборот технологияларини ишлаб-чиқиш ва жорий қилишни қўлаб-қувватлаш бўйича "Mirzo Ulugbek Innovation Center" инновация марказининг электрон ҳуқуқнинг ривожлантиришдаги ўрни, Корея электрон ҳуқуқининг ютуқ ва истиқболдаги режаларига бағишланган маърузалар тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қосидаги Электрон ҳуқуқ ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази ДУК директори Р.Султоновнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда "Электрон ҳуқуқ" тизими ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон БМТнинг электрон ҳуқуқнинг ривожланиш даражаси бўйича дунё давлатлари рейтингига 80 ўринни эгаллади. Ҳозирги вақтда бу тизимда қатор ирриқ ахборот тизимлари фаолият юритмоқда. Улар орасида 140 дан зиёд электрон давлат хизматлари тақдим этувчи Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳам бор. 2017 йилда бизнесни рўйхатдан ўтказиш бўйича автоматлаштирилган тизим ишга туширилиб, у орқали 325 нафар яқка тартибдаги тадбиркор ва 128 юридик шахс иқтисодий фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлди.

Бугунги кунда Корея Республикаси БМТнинг электрон ҳуқуқнинг ривожланиш даражаси бўйича дунё давлатлари рейтингига учинчи ўринда қайд этилади. Технолоғик жараён янги электрон давлат хизматларини яратиш учун янада кенгрок имкониятлар тақдим этмоқда, - дейди Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги масъули Давид Юань Хо (Корея). - Фаолиятини доирасида Ўзбекистонда "Электрон ҳуқуқ" тизимига инновациялар ва рақамли иқтисодиёт технологияларини жорий этишга яқиндан қўмақ бермоқдамиз. Барча сай-ҳаракатларимиз электрон ҳуқуқни яратишга қаратилган бўлиб, бу фуқароларнинг давлат органлари билан ўзаро алоқасини сезиларли даражада енгиллаштиради.

Форум яқинида иштирокчилар электрон ҳуқуқнинг ривожлантиришнинг қонун асослари, миллий ахборот-коммуникация тизимини тақомиллаштириш, электрон тижорат ва солиқ соҳаларига электрон давлат хизматларини жорий этиш истиқболлари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларида давлат ҳоимияти органлари фаолиятини оқчилигини таъминлашда фойдаланиш борасида фикр алмашди.

Шунингдек, Корея Республикаси давлат бошқаруви ва хавфсизлик вазири ўринбосари Юн Жон Ин бошчилигидаги делегация ўзаро манфаатли шерикликни кенгайтириш мақсадида ташкил этилган қатор учрашув ва музокараларда ҳам иштирок этди.

Роман БОНДАРЧУК, ЎЗА муҳбири

ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРАО МУЛОҚОТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ШХТ доирасида бу каби ташкилотни ташкил этиш гоёси мазкур минтақавий бирлашманинг мақсад ва вазиғалари - ишонч ва манфаатли ҳамкорлик, тенглик, турли маданият ва цивилизацияларни ҳурмат қилиш, биргаликда ривожланишга бўлган интилишга тўла мос келади.

Бугунги кунда ШХТга аъзо давлатларда сайёра-мик аҳолисининг қарийб ярми истиқомат қилади. Бундай улкан салоҳиятга эга ШХТ Евросиёё минтақасида ўзаро муносабатларнинг янгинача усулини шакллантиришда муҳим ўрин тутди ва бу борада халқ дипломатиясини механизмларидан самарали фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга.

Зеро, ШХТ мамлакатларини чуқур тарихий алоқалар боғлаб туради. Асрлар мобайнида минтақа халқларини савдо, маданият ва маънавий кадриятлар алмашинуви орқали боғлаб турган ҳамда давлатлар, халқлар ўртасида ўзаро ҳамкорликка асос солган Буюк ипак йўли бўйлаб қарор топган ҳамкорлик фикримизга мисол. Ҳозирги кунга келиб халқларни янада яқинлаштириш ва ушбу тарихий жараённи қайта тиклаш зарурати туғилмоқда.

Ўзбекистонда ШХТ Халқ дипломатиясини маркази ташкилотга аъзо давлатлар маданиятлари, анъана ва урф-одатларини чуқур ўрганиш, тарғиб қилиш, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш, фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари ҳамда маданий, академик, тахлийий ва таълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, ахборот ресурсларини шакллантириш мақсад қилган. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкор-

ликни ривожлантириш орқали цивилизациялар о мулоқотни янада мустаҳкамлаш тарафдори. Бу эса халқларни яқинлаштириш, ишонч ва яқин ҳамкорлик руҳини мустаҳкамлаш имконини беради.

Бу мақсадларга эришиш мақсадида Ўзбекистонда ШХТ Халқ дипломатиясини маркази томонидан қатор қўшма лойиҳалар амалга оширилиб, турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Маданий-гуманитар соҳада қўшма тадбирлар (фестиваллар, ярмаркалар, кўргазмалар) ўтказиш, жумладан, фольклор йўналишида халқ унармандчилиги ва ижодиётини тарғиб қилиш, Буюк ипак йўлининг маданий меросини сақлаш йўлидаги ҳамкорликни ривожлантириш ишлари шулар жумладан. Шунингдек, ШХТга аъзо давлатлардаги кутубхоналар, музейлар, театрлар ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйиш, илмий-техник ва инновацион ишланмаларга доир кўргазмалар, кинофестиваллар ташкил қилиш кўзда тутилган.

"Дунё болалар нигоҳида" номи болалар расмлари кўргазмаси марказининг илк ача шундай лойиҳаларидан бири. Унда ШХТга аъзо давлатлардан иштирок этган ёшларнинг қарийб 700 га яқин ижодий иши намойиш этилди.

Кўргазмани ўтказишдан мақсад болаларда Ватанга муҳаббат тўғрисидаги шакллантириш, ёш истеъодларни аниқлаш, турли халқлар маданиятини, урф-одатлари ва кадриятларини тарғиб қилишдан иборатдир. Болалар расмлари кўргазмаларини ШХТнинг бошқа мамлакатларида ҳам ўтказиш марказ олдидаги режалардан биридир.

Раҳматулла НАЗАРОВ, Ўзбекистондаги Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази директори

Ҳуқуқий маслаҳатхона

НИМА УЧУН ДЕКЛАРАЦИЯ ТОПШИРАДИ?

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 189-моддасига асосан асосий иш жойидан ташқари даромад олувчи жисмоний шахслар жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига жорий йилнинг 1 апрелигача тақдим этишлари лозим.

Нима учун декларация топширади?

Фуқаролар жами йиллик даромадлари тўғрисида декларацияни топшириш орқали давлат ва жамият олдидаги конституциявий бузуқларни бажариш баробарида жами даромадлари, тўлаган солиқлари миқдори ва уларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадалли бўйича шахсий ҳисобварақларидagi маблаглар тўғрисида маълумотга эга бўлишди.

Кимлар декларация тақдим этишлари керак?

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 189-моддасига асосан 2018 йил давомида мулкий даромад олган, жумладан, фоиз ва дивиденд қўрунишида, мол-мулкни ижарага беришдан, жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни реализация қилишдан даромад олган ва бошқалар (агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса);

фан, адабиёт ва санъат асарларини яратган халқда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида даромад олган;

асосий бўлмаган иш жойидан моддий наф тарзидаги даромад олган (масалан, юридик шахс томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақи тўлаб берилган бўлса);

икки ёки ундан кўп манбадан солиқ солинадиган даромад олган;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташқаридаги манбалардан даромад олган; солиқ агентлари бўлмаган манбалардан даромадлар олган Ўзбекистон Республикаси резидентлари 2019 йилнинг 1 апрелига қадар жами йиллик даромадлари тўғрисида декларация топширишлари лозим.

Белгиланган тартибга кўра, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган чет эллик жисмоний шахс ҳам ўтган солиқ даври учун даромадлар тўғрисида жорий йилнинг 1 апрелигача декларация тақдим этади.

1 апрель дам олиш кунига тўғри келса...

Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация юқорида таъкидланганидек, тегишли даромад олинган йилдан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этилади. Агар 1 апрель дам олиш ёки ишланмайдиган байрам кунига тўғри кел-

са, декларация ундан кейинги биринчи иш кунидан кечиктирмай (Солиқ кодексининг 36-моддаси) тақдим этилиши шарт.

Декларация топшириш тартиби қандай?

Декларация бевосита жисмоний шахснинг доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига, почта орқали бюртом хат шаклида, шунингдек, электрон шаклдаги ахборот тарзида ва Интернет тармоғи орқали тақдим этилиши мумкин.

Декларация солиқ органига шахсан тақдим этилганда давлат солиқ органининг тегишли бўлимига топширилади.

Почта орқали юборилаётган декларация конвертга солинади ва солиқ тўловчининг яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органи манзилга жўнатилади.

Электрон ҳужжат тарзида тайёрланган декларация солиқ тўловчи бевосита ёки ахборот воситаси (электрон ҳужжатлар айланмаси билан боғлиқ хизматларни кўрсатувчи юридик шахс) орқали жўнатиши мумкин. У электрон рақамли имзо билан тасдиқланади, бунда белгиланган шакл тўлиқ тўлдирилган бўлиши керак.

Фармон ва ижро

ИНВЕСТИЦИЯ МАРКАЗЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан экспортёрлар фаолиятини молиявий қўлаб-қувватлаш ва экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Масалан, ушбу молиявий муассаса 2018 йил ва жорий йилнинг январь-февраль ойларида 172 корхонага миллий валютада 1,1 триллион сўм ҳамда хорижий валютада 483,7 миллион долларга тенг бўлган банк кредитлари ажратди. Бундай ҳаракатлар самарасида улар 523,9 миллион долларлик маҳсулот ва хизматлар экспорт қилишга муваффақ бўлди.

Миллий матбуот марказида ўтказилган анжуманда бугунги кунда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини молиявий қўлаб-қувватлашга асосий урғу берилди.

Мамлакатимизда маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўлаб-қувватлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни тақомиллаштириш, ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўлаб-қувватлаш борасида қўрилатган чора-тадбирлар амалий натижалар бермоқда. Бунда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 2 сентябрдаги "Валюта сисъатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони катта имкониятлар эшигини очиб берди.

Бу каби имкониятлар самарасида юртимизда экспорт фаолияти билан шугулланувчи корхона ва ташкилотлар, фермер ҳўжаликлари сони кун сайин кўпайиб, маҳсулот экспорти ортиб бораётди.

Ҳозирги кунда "Ўзмиллибанк" ўз тизимида фаолият қўрсатаётган 1104 экспортёр корхона томонидан умумий қиймати 10,9 миллиард доллар эквивалентида бўлган экспорт шартномаларига хизмат кўрсатмоқда. Ушбу шартномалар бўйича 2018 йил якунари ҳамда жорий йилнинг ўтган даври давомида жами 1,72 миллиард доллар миқдорида валюта маблаглари келиб тушган.

Тижорат банкларининг 2019 йилда инвестиция фаолиятини жадаллаштиришга қаратилган "Йўл харитаси" доирасида маҳаллий тадбиркорлар ва хорижий сармоядорлар учун кулай шaroит яратиш мақсадида ҳар бир тижорат банкида, шу жумладан, "Ўзмиллибанк"да Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш марказлари ташкил этилди, - деди "Ўзмиллибанк"нинг Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш маркази бўлим бошлиғи Абдурашид Соҳибназаров. Бугунги кунда марказнинг шўбалари ушбу банкнинг барча ҳудудий бўлимларида ўз фаолиятини бошлади.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА

САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЕНГАЙМОҚДА

Дастлабки маълумотлар бўйича 2019 йилнинг январь-февраль ойларида Тошкент шаҳрида фаолият қўрсатаётган саноат корхоналари томонидан 6648,7 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси 101,9 фоизни ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омилли бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаб) саноати саноат ишлаб чиқариш индекси 100,3 фоиз, тоғ-кон ва очик конларни ишлаш саноати 100,9 фоизни, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 130,1 фоизни ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш 107,1 фоизни ташкил қилди.

Худудларнинг саноат ишлаб чиқариши Тошкент шаҳрида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технолоғик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Тошкент шаҳри саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп улуш Яшнобод тумани (Тошкент шаҳри саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 16,3 фоиз улушини), Мирзо Улуғбек тумани (11,8 фоиз), Шайхонтоҳур тумани (10,8 фоиз), Миробод тумани (10,6 фоиз) ва Олмазор тумани (10,4 фоиз) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Шунинг билан бирга энг кам улуш Яққасарой (4,7 фоиз), Учтепа (5,6 фоиз), Бектемир (6,3 фоиз) туманларига тўғри келади.

Тошкент шаҳрида саноат ишлаб чиқаришда йирик саноат корхоналар томонидан 1743,8 млрд. сўмлик, йирик носаноат корхоналар томонидан 174,5 млрд. сўмлик ва кичик бизнес субъектлари томонидан 4730,4 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши дастлабки маълумотлар бўйича 2019 йилнинг январь-февраль ойларида Тошкент шаҳрида саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши - 71,1 фоизни ташкил этган.

Худудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Учтепа тумани (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 92,7 фоиз), Яққасарой (92,0 фоиз), Олмазор (89,8 фоиз) ва Юнусобод (85,1 фоиз) туманларида кузатилади.

Шу билан бирга, энг кичкина улуш Мирзо Улуғбек (51,2 фоиз), Яшнобод (53,9 фоиз) ва Шайхонтоҳур (63,1 фоиз) туманларида кузатилади.

Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси

МЕҲМОНДУСТ ШАҲАР

Яратиш, янгиланиш, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, нафосат ва гўзаллик айёми фасли навбахор бу йил ҳам ўзининг қутлуғ қадамларида энг соф эзгу ниятларни жамлаб, меҳр-муруватни кўнгилларга сингдириб жаннатмакон ўлкамизга ташриф бурди. Орзиқиб кутилган ушбу байрам халқимиз қувончига, қалб шодиёналари тантанасига айланиб кетди.

Республика ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактаб-интернатида "Қадрият, урф-одат, аънава ва ёшлар" лойиҳаси доирасида ўтказилган "Тошкент – меҳмондуст шаҳар" мавзусидаги фестивал ҳам Наврўзи олам шодиёналарини ўзида мужассан этиб миллийлик ва аънаваларимизни тарғиб қилган ҳолда ўтказилди.

Республика ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактаб-интернати директори Мирсардор Алимов тадбир иштирокчиларини Наврўзи олам билан самимий табриклади. Жумладан у ўз сўзида юртимизда олиб борилаётган ушбу бунёдкорлик, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, турли соҳадаги юксалишлар, тарихимиз ва буюк аجدодлар ўтмишини абадийлаштириш борасида амалга оширилган ишларда кўлга киритилаётган ютуқлар Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг маҳсули эканлигини таъкидлаб ўтди.

Байрам тадбирида ўқитувчилар ва ўқувчилар томонидан тайёрланган турли концерт дастурлари, миллий спорт ўйинлари, кўргазмали чиқишлар ҳамда ўн иккита вилотларнинг урф-одатлари ва маросимларидан иборат сахна кўринишлари намойиш этилди.

Айниқса мураббий-устозлар томонидан ташкил этилган мазаги ош пишириш мусобақаси кизгин ўтказилиб, иштирокчиларнинг олқишларига сазовор бўлди.

Дошқозонда пишган сумалак ва ҳалимлар, кўк сомса ва турли пиширилган таълим муассасаси ўқитувчи ва ўқувчилари ҳамкорлигида тайёрланди.

Ҳа, фақат обод ва озод юрда байрамлар шундай нишонланади. Бу истиқлол берган азият ва улуг неъмат Наврўзи олам шукуҳи ва шухратидан бир парчадир. Зеро, юртимизнинг барча гўшаларида янгиланиш, яшариш айёми ҳисобланмиш умумхалқ байрами ана шундай кўтаринки кайфиятда кенг нишонланмоқда.

Гулнигор САТТОВА

МАҲАЛЛА АҲЛИ МАМНУН БЎЛДИ

Айни кунларда пойтахтимизнинг барча маҳаллаларида янгиланиш, яшариш ва эзгулик айёми Наврўзи олам муносабати билан байрам тадбирлари давом этмоқда.

Юнусобод туманидаги "Кулолқўрғон" маҳалласи фуқаролари Наврўз муносабати билан бир дастурхон атрофига жам бўлишди. Маҳалланинг нуруний отахонлари, онахонлар, келажакимиз ворислари бўлмиш ёшлар, фаоллар эрта тонгданок маҳалла гузари томон ошиқилгани айни ҳақиқат.

Чунки қарнай-сурнай наволари барчани байрам тадбирига чорлади. Маҳалладошлар бир-бирларини янгиланиш айёми билан кутлар эканлар, хонадонларга тинчлик-хотиржамлик, оилаларга тотувлик ва бахт-саodat тилашди, баҳор неъматига – сумалак, кўк сомса ва палов тановул қилишди.

Байрамга тақлиф этилган хонаданю-созандалар томонидан Ватани, баҳорни, онани, муҳаббатни мадҳ этиб қўйилган дилрабо куй-қўшиқлар айёмнинг файзли ўтишини таъминлади.

Шу кунни кечга қадар давом этган Наврўз тантаналари барчага бирдай манзур бўлди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

КЎКЛАМ СУРУРИДА ИЛҲОМ НАФАСИ

Бугун юртимизнинг қай гўшасига қараман, улуг айём Наврўзнинг шукуҳи кезиб юрганини ҳис қиламиз.

Абдулла Қаҳҳор уй-музейида халқимизнинг қадимий ва ўлмас аънаваларини ўзида жо қилган Наврўз умумхалқ байрамига бағишлаб "Кўклам сурурида илҳом нафаси" мавзусида адабий-бадий тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири, Ўзбекистон Миллий академик драма театри фахрий актёр, актрисалари, "Бувижонлар" фольклор ансамбли, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Наврўз умумхалқ байрамини кенг нишонлаш учун дастурхон атрофида ўзбек адабиётига ҳисса қўшган ёзувчи, шоир, адибларимизни хотирлаш ҳамда бугунги ижодкорларнинг ижодларидан баҳраманд бўлиш мақсадида ташкил этилди.

Байрам тадбирида Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "М.Улуғбек Ўқув СТК" ва "Миробод Ўқув СТК" унитар корхоналари вакиллари ҳам иштирок этиб, улар томонидан спортнинг авиамодель тури бўйича кўргазма ташкил этилди. Кўргазмада иштирок этган ўғил-қизлар спортнинг техник ва амалий турлари билан таъминланди. Тадбирда "Бувижонлар" фольклор ансамблининг мусиқий-бадий сахна кўринишлари намойиш этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

ДИЛЛАРДА НАВРЎЗ ШУКУҲИ



Тадбирлар

КЎНГИЛЛАР ЗАВҚҚА ТЎЛДИ

Айни кунларда Наврўзга бағишланган байрам сайиллари олий таълим муассасаларида ҳам кўтаринки кайфиятда нишонланмоқда.

Тошкент фармацевтика институтида ўтказилган тадбир "Ассалом, Наврўз" деб номланди. Эл севган хонандалар Гулсанам Мамазоитова, Илҳом Фармонов ва бир қатор ёш иқтидорли хонандалар ижросида янграган куй-қўшиқлар байрам иштирокчиларининг олқишига сазовор бўлди.

Тадбир доирасида институтнинг илмий салоҳиятига ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга муносиб ҳисса қўшган профессор-ўқитувчилар, иқтидорли ёшлар ҳамда республикамиз вилотларининг урф-одатларини, кийиниш маданияти ҳамда овқат тайёрлаш жараёнларидан намуналар кўрсатиб берган жамоалар институт ректорати томонидан сертификат ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

– Ушбу байрам тадбири барчамизнинг қалбимизга гўзал бир ёруғлик олиб кирди, – дейди институтнинг ёшлар билан ишлаш маънавий-маърифий бўлими бошлиғи Нигора Ашурова. – Чунки бу тадбирда энг гўзал миллий урф-одатларимиз тарғиб қилинди, асосийси эса баҳор ўз нафасида минг йиллик аънава ва қадриятларимизни дилимизга яна қайта олиб киргандай бўлди.

Дошқозонларда қайнаётган сумалак, турли миллий таомларимиз билан безатилган дастурхон, спорт ўйинлари байрам шукуҳига ўзгача тароват бағишлади.

Талабалар томонидан миллий маросим ва кўҳна лапар, ёр-ёрларни, аънаваларимизни тарғиб қилувчи сахна кўринишларидан парчалар ва концерт дастурлари намойиш этилиди.

* * *

"Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин" мавзусидаги тадбир Тошкент темир йўл муҳандислари институтида ҳам ўзига хос тарзда ўтказилди.

Айниқса талабалар турар жойида байрам муносабати билан турли маданий тадбирлар, спорт мусобақалари, шеърхонлик мушоиралари, баҳорий кайфиятни ўзида акс эттирувчи кўргазмали чиқишлар ҳамда оммавий сайиллар ташкил этилди.

Институтнинг ўқув биналари ва талабалар турар жойлари ҳудуди пешлаваҳ ва шиорлар билан безатилди. Янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши, яшариш ва янгиланиш, қут-барак, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш баҳор фаслида институт ҳудудида ҳашар, кенг қўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ўқитувчилар ва талабалар ҳамжиҳатлигида уюшқоқлик билан ташкиллаштирилди.

Талабалар турар жойида ташкил этилган "Сумалак сайли"да миллий либослар кўриктанлови, спорт ўйинлари, баҳорий таомлар билан дастурхон безатиш, этнографик фольклор чиқишлар каби тадбирлар барчага бирдай манзур бўлди.

Талабаларнинг оҳанрабо куй-қўшиқлар ила рақс гулдасталари, халқ ўйинларидан иборат турли чиқишлар ва ҳазил-мутойибали айтишулар ҳам байрамнинг мазмун ва моҳиятини янада теранроқ очиб берди.

– Наврўз байрами шарқ халқлари орасида неча минг йиллардан буён нишонланиб келинмоқда, – дейди Тошкент темир йўл муҳандислари институти проректори Дилшод Ба-

ратов. – Наврўз табиатнинг ўзидан келиб чиққан ҳолда кун ва тун тенглашгандан сўнг, кунларнинг узайиши, табиатнинг уйғонишидир. Аёзлик қишдан сўнг кўкда қўшнинг юз кўрсатиши, қирларда майса-ғиёҳларнинг ниш уриб чиқиши халқимиз учун ҳақиқий байрамга айланган. Нав – янги, рўз – кун, яъни янги кун деб аталиши ҳам бежиз эмас. Асосийси бу байрам инсонларни эзгуликка, яхшиликка, хайрли ишларга чорлайди.

Тадбирда фаол иштирок этган, мусобақа ва танловларда ғолиб бўлган иштирокчилар институт ректори ва касаба уюшмасининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

ҚАДИМИЙ ВА НАВҚИРОН АЙЁМ

Юртимизга Наврўзи олам кириб келди. Она табиат кўм-кўк либосга бурканмоқда. Абу Райҳон Беруний бундан минг йиллар олдин "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарида Наврўзни таърифлаб берган бўлса, Умар Хайём "Наврўзнома" номли асар битган. Юзлаб шоирлар Наврўзини алқаб, ғазал ва дostonлар ёзишган.

Юнусобод туманидаги "Манзур" тўйхонасида "Қадрдон" маҳалла фуқаролар йиғини томонидан нурунийлар, меҳнат фахрийлари, ногиронлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун Наврўз байрами бўлиб ўтди.

– Наврўз янгиланиш, покляниш байрами, йил боши ҳисобланади. У умумхалқ дўстлик, деҳқончилик, ёшариш ва янгиланиш байрами ҳам саналади, – дейди маҳалла фаоли, фуқаролар йиғини яраштирув комиссияси аъзоси Дилором Жабборова.

– Қариялар, ногиронлар, ижтимоий ҳимояга муҳтожлардан хабар олиб туриш масъулиятли иш. Одамнинг кўнгли жуда нозик, ёшларимиз бундай намунали, ибратли тадбирлардан бохабар бўлишлари, ўзларига тегишли хулоса чи-

қариб олишлари зарур. Зеро, қадрланган қадр, ҳурмат қилсанг ҳурмат топа сан, – дейди яраштирув комиссияси аъзоси Саидусмон Пўлатов.

Байрам тадбирида маҳалла бошлангич хотин-қизлар ташкилоти раиси Мэрифа Раҳмонбердиева, "Қайноналар" Кенгаши раиси Дилбар Раҳматуллаева, "Ота-оналар университети" кенгаши раиси Насиба Иноятовалар янги йил бошланиши, баҳорий шифобахш неъматларнинг хислатлари ҳақида фикр билдиришиб, маҳалла аҳли ва меҳмонларни Наврўзи айём билан муборакбод этдилар. Юнусобод туманида истиқомат қилувчи ёш хонандалар ўзларининг завқ ва шавқ улашувчи куй-қўшиқлари билан тадбир қатнашчиларини хушнуд қилди.

Ориф ЖУМАЕВ

"101"

Ҳозирги кунда юртимизнинг ҳар бир гўшасида замонавий биналар, мактаб, мактабгача таълим муассасалари, ўқув юртлари ва даволаш муассасалари қад қўтармоқда.

ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНГ!

Мана шундай шинам, чиройли масканлар борлигига шукроналар айтсанг арзийди, лекин биргина қилинган хато, яъни эътиборсизлик, табиий газ ва электр қувватидан нотўғри фойдаланиш, эҳтиётсизлик оқибатида барчаси кулга айланиши мумкин.

Ҳар бир фуқаро ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилса, наинки бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди олинган, балки инсонлар ҳаёти сақлаб қолинган бўлади.

Муроджон ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, кичик сержант

Тинч ҳаётимизга таҳдид солувчи хавфлардан бири ёнғин офати бўлиб, у қай тарзда юзага келишига қарамай, ўзиндан мудҳиш излар қолдириши барчага маълум.

Айни шу "тилсиз ёш" ҳужуми сабабли йилгига қанчадан қанча кишилар бошпанасиз қолади, қўнчилик эса саломатлигидан айрилади, баъзилар эса яқин кишиларини йўқотади.

Шундай экан ёнғинга сабаб бўлувчи ҳолатларнинг олдини олишда барча ҳамшаҳарларимизни эҳтиёткорликка чақириб қоламиз.

Файрат РИЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ инспектори, катта лейтенант

Бугунги ўта шиддаткор замон ҳар соҳада, айниқса ёнғин хавфсизлиги борасида ҳар биримиздан хушёрлик ва огоҳликни талаб этади. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда бир оз бўлса ҳам хушёрликни унутмас катта талафотларга сабаб бўлиши мумкин.

Ёнғин бир лаҳзада кўп миқдордаги бойликнинг қуланишига соҳуради. Ундан ажралиб чиқадиган тўтун ва бошқа захарли газлар атмосферани ифлослантириб, нафас олиш учун зарур бўлган ҳавонинг таркибини бузади.

Бундай салбий оқибатлар барчамизни ёнғинга қарши курашиш, унинг олдини олишга ва албатта, хавфсизлик қоидаларига риоя этишга ундайди.

Махаммаджон МАНСУРОВ,
Ўзбекистон давлат консерваторияси Биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ инспектори, капитан

Эҳтиётсизлик ёки бошқа бирор сабаб билан келиб чиққан ёнғин оқибатида уй ёки ишхона, у ерлардаги моддий бойликлар чин маънода ёниб, кулга айланиши ҳеч гапмас.

Энг ачинарлиси эса ўт балоси сабабли инсонлар ҳаёти ҳам вафол топиши мумкин. Ёнғинларнинг ақсарияти фуқароларнинг яшаш жойларида юз бераётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни истардик: уйда, ишхонада жамоат жойларида ёнғин хавфини келтириб чиқариш мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олишга ҳаракат қилайлик.

Хусан МАМАЖОНОВ,
"Туркистон" саройи ЁХБ инспектори, катта сержант

Ёнғин қай тарзда юзага келишига қарамай, ўзининг мудҳиш изини қолдиради.

Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун эса ҳар биримиз ёнғинга қарши фаол кураш олиб боришимиз зарур. Корхона-ташкilotлар, шунингдек, аҳоли турар жойларида оддийгина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали жуда катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз. Арзimasдек туюлган носозлик ҳам ёнғинга сабаб бўлишини унутмаслик лозим.

Фахриддин ҚУЛДОШЕВ,
Учтепа тумани ЁХБ инспектори, кичик сержант

Юз берадиган нохушликларнинг олдини олиш учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш билан бирга буни болаларга ўргатиш катта аҳамиятга эга.

Ёнғин чиқмаслиги учун жойларда тозалаш ишларини кучайтириш лозим. Кўчаларда йиғилиб қолган қуруқ ўтлар, маийш чўкинди ва шох-шаббаларни ўз вақтида олиб ташлаш болаларга эҳтиёткорликни ўргатиш ва ўчмаган сизарета қолдиргани ҳар ерга, айниқса тез аланга олувчи нарсалар бор жойга ташламаслик даркор. Шундагина биз осойишталигимизга раҳна солувчи хавфни қамайитиришга эришамиз.

Бехзод КАРИМОВ,
Яшнобод тумани ЁХБ инспектори, майор

Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига жуда катта масъулият юклайди.

Ёнғинларнинг асосий сабаблари оловга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш, маст ҳолда ётган жойида тамаки чекиш, носоз электр асбобларидан фойдаланиш, ёш болаларни уйда ёлғиз ва қаровсиз қолдириш, чикинди ва забонларни ёқиш, газ ва электр асбобларидан фойдаланганда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасликдир.

Шундай экан белгиланган қоидаларга амал қилишни унутманг!

Элмурод ШЕМИРОВ,
25-ХЕХК кичик инспектори, сафдор

Аҳоли турар-жойларида ёнғин хавфини келтириб чиқарувчи омилларнинг асосийси деб маст ҳолда сизарета чекиш, носоз электр ва газ мосламаларидан фойдаланиш, болаларни назоратсиз қолдириш саналади.

Шу билан бирга ўқун текжанда ёнғин кетадиган – бўёк, синтетик кийимларни пекчалар ёнида сақлаш асло мумкин эмас. Шундай экан, ҳар биримиз турар-жой, корхона ва ташкilotларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишни унутмайлик!

Олим ШАДИЕВ,
27-ХЕХК смена бошлиғи, капитан

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 278-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан Хван Жанна Владимировна номига берилган А № 415078 рақамли зарура маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолгани сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туман БТИ томонидан Мақсудова Камола Хамидовна номига берилган Тошкент шаҳар, Шайхонтохур туман, Тахтагул кўчаси, 1-уйга тегишли бўлган кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Енгил атлетика

I ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ ЯРИМ МАРАФОНИ

Пойтахтимиз Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган I халқаро Тошкент ярим марафонига мезбонлик қилди.



Тадбирнинг очилишига бағишланган тантанали маросимда ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, спорт юлдузлари, машҳур маданият ва санъат ар-боблари, дипломатлар ва халқаро ташкилотлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Енгил атлетика федерацияси, Ёшлар иттифоқи ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташкил этган марафонда 28 давлатдан келган 1650 нафардан ортиқ профессионал ва ҳаваскор атлет 5 ва 21 километр масофаларга югурди.

Мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан ва маънан соғлом этиб тарбиялаш, спортни ривожлантириш, бу жараёнда олимпия спорт турларини янада оммалаштириш, жаҳон майдонларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя

қилишга қодир истеъодли спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токиода бўлиб ўтадиган XXXII ёзи Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш, жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари, нуфузли халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларни ва уларнинг тренерларини рағбатлантиришга оид қарорлари соҳа ривожига муҳим дастуруламал бўлмоқда.

I халқаро Тошкент ярим марафони иштирокчилари Афросиёб, Нукус, Абдулла Қодирий, Мустақиллик шохҷўларига бўйлаб метронинг Буюк Ипак йўли бекатига, кейин Мирзо Улугбек, Тараққиёт кўчалари орқали Амир Темур майдони, Ўзбекистон кўчаси,

Мустақиллик майдони, Абдулла Қодирий ва Абай кўчалари бўйлаб югурди ўтди.

21 километр масофали баҳсда эркаклар ўртасида хитойлик Ли Янг барча рақиблирини ортада қолдириб, биринчи ўринни эгаллади. Ундан кейин финиш чизигига қирғизистонлик Аделет Киштбеков ва ҳамюртимиз Андрей Петров етиб келди.

Хотин-қизлар орасида бу йўналишда қирғизистонлик Дарья Маслова ғолиб бўлди. Икки нафар атлетимиз – Ситора Ҳамидова ва Екатерина Тункусова шохсупанинг иккинчи ва учинчи погонасидан жой олди.

– Ўзбекистон халқининг самимиёти ва меҳмондўстлиги ҳавасимизни келтирди, – дейди мусобақа ғолиби Ли Янг. – Бугунги

марафон юксак савияда ташкил этилгани мамлакатингизда спорт ривожига улкан эътибор қаратилганидан далolatдир. Албатта, ғолиб бўлганимдан жуда хурсандман. Насиб қилса, мамлакатингизда ўтказиладиган кейинги марафонларда ҳам иштирок этаман.

5 километр масофага ўтказилган пойгада Отбек Тошқувватов, Ҳумоюн Маҳаммов ва Хуршид Аҳмадалиевга тенг келадиган топилмади. Ушбу масофада қизлар ўртасида ўтган баҳсда Азизахон Мирзаакбарова, Шохсанам Хуррамова ва Маржона Баратова кучли уалқини эгаллади.

Марафон доирасида халқ сайиллари ўтказилди.

Ж.ТОШХҲҲАЕВ, ЎзА мухбири

Футбол янгиликлари

ОЛИМПИАЧИЛАРИМИЗНИ ЖИДДИЙ СИНОВ КУТМОҚДА

Шу кунларда Тошкент шаҳри 23 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионати саралаш босқичининг "F" гуруҳидаги учрашувларга мезбонлик қилмоқда.

Гуруҳнинг иккинчи учрашуви "Пахтакор" марказий стадионида Тожикистон ва Ҳиндистон олимпия терма жамоалари ўртасида ўтди. Унда тожикистонлик футболчилар 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Голларга Далер Ёдгоров ва Шарафжон Солихов муаллифлик қилди.

Эслатиб ўтамай, биринчи учрашувда Ўзбекистон Ҳиндистонни 3:0 ҳисобида мағлуб этган эди.

Шу боис ҳозирча "F" гуруҳида ҳамюртларимиз голлар ҳисобига кўра биринчи поғонада турибди.

Энди 26 март куни Ўзбекистон ва Тожикистон термалари ўзаро рақобатлашади. Бу ўйин ғолиби 2020 йили Таиландда ўтадиган Осиё чемпионатида йўлланмани кўлга киритади.

(ЎЗА)

ТАЛАБАЛАРДА ИЛИҚ ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

Мамлакатимиз ёшлари орасида футболни оммавийлигини янада ошириш ва ривожлантириш мақсадида ЎФА ҳамда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ўртасида икки томонлама келишув имзоланган эди.

Яқинда ЎФА Мураббийлар таълим департаменти ташаббуси билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети талабалари билан учрашув уюштирилди.

Унда мураббийлик соҳасининг ўзига хос томонлари ҳақида талабаларга маълумот берилди, бу касбни танлашни ихтиёр қилган ёшлардан нималар талаб қилиниши ҳусусида сўз юритилди. Шунингдек, мураббийлар ёш футболчилар билан ишлашда ўзига хос рўшунсо бўлишлари, болалар пси-

хологиясидан келиб чиққан ҳолда машғулот олиб боришлари зарурлиги таъкидланди.

Энди университетнинг 2-курсда ўқиётган ёшлар орасидан мураббийликка қизиққанлари саралаб олиниб, махсус ўқув-машғулотларнинг дастлабки босқичига жалб қилинади. Эътиборлиси, университетда 4 йил ўқиган ва мураббий бўлишни хоҳлаганларга лицензия берилиб, янги соҳада ўзларини синаб кўришларига имкон берилиши ҳақида йиғилганларга айтиб ўтилди.

ФАРЗАНДИНГИЗГА МУНОСИБ ИСМ ҚҲЙИНГ

Ислом дини таълимотига кўра, фарзанд кўрган ота-она зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилади. Унга муносиб исм қўйиш, қулоғига азон эттириш, жонлиқ сўйиб, ақиқа қилиш, ўғил бўлса, қўлини ҳалоллаш, ахлоқ-одоб, илм-ҳунарга ўргатиш, вояга етганда муносибига уйлантириш, қиз бўлса узатиш, хуллас бошини иккита қилиб қўйиш кабилар.

Болага муносиб исм танлаш азалий одатдир.

Халқ орасида одам боласи ўз хулқ-атвори, феъли ва шу жумладан, исми билан билинади, деган гап бор. Ота-онанинг энг муҳим бурчларидан бири ўз фарзандларига муносиб исм топиб қўйишларидан иборат.

Болага исм қўйиш ниҳоятда жиддий, масъулиятли удум саналиб, бу исм инсоннинг келажак тақдири – ҳаёт йўлига

таъсир қилади деб тушунилади. Шунинг учун ҳам уруғ, касб-кори, сулола мавқеига мос исм қўйиш тақозо қилинади.

Одатга кўра, ота-боболаримиз таваллуд тогган боланинг қулоғига энг аввало, азон ўқитишган. Бобокалонимиз Абу Али ибн Сино гўдакнинг чилла даври тўғрисида минг йил бурун айтиб кетган фикрлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотганча йўқ.

Ойша ТўРАЕВА

БИЛИМДОН ЁШЛАР БЕЛЛАШДИ

"Темурбеклар мактаби"да буюк саркарда ва давлат арбоби, ўзбек давлатчилик тарихида катта ўринга эга бўлган Амир Темур ҳаёти ва ижодига бағишланган "Буюк аждодларимиз мероси ва уларнинг ҳарбий санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси" мавзусида интеллектуал викторина ўтказилди.

Унда биринчи гуруҳ Темурбеклари иштирок этдилар. Улар Амир Темурнинг ҳаёти ва ҳарбий санъати асосида ўзаро беллашдилар. Қатнашчилар буюк бобомиз олган тарбияси ва уни жаҳонга машҳур айлаган фазилатлари, унинг мард, доврурак, гурури, ўткир зехни ва ақлу идрок эгаси бўлганлигини айтиб ўтишди. Сохибқирон бобомизнинг турли дунёвий илмларни ҳарбий санъатни эгаллаган, болалиқда спортга зўр ишқ қўйгани буйича бир-бирлари билан ўртоқлашиб, Амир Темур ҳаёти ижоди, болали-

ги, қилган ишлари ҳақида ким кўпроқ маълумот билиши буйича беллашдилар.

Тадбирда "Ватанпарвар" ташкилоти "М.Улугбек ўқув СТК" ва "Миробод ўқув СТК" унитар корхоналари вакиллари ҳам иштирок этиб, "Ватанпарвар" ташкилоти ҳам Темурбекларни спортга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаши, улар ўртасида мусобақалар ўтказишда яқиндан кўмаклашишларини билдириб, ташкилот томонидан тайёрланган видеоролик намойиш этилди.

Зарина РУСТАМОВА

Қилмиш – қидирмиш

ВАЪДАСИДА ТУРМАДИ

Уй қурмоқчи бўлганлар ёки таъмирлаш ниятида юрганлар сантехник, бўёқчи, пардозловчи, эшик усталарига иши тушади.

Керакли нарсани кўради, ёқса нархини келишиб сотиб олади. Уйни замонага, бугунги ҳаётга монанд қилиб таъмирлашни ҳаммамиз истаймиз.

Миробод туманида яшовчи И.Яшин баҳор ойида уйини таъмирлашга киришади. Янги эшик, янги жиҳозлар зарур эди. Эр-хотин маслахатлашиб, "Паркент" бозорига йўл олишади. Бозорда қурилиш моллари ҳам, усталар ҳам кўп. Дўконларга биро-бир кириб чиқилди. Нақшли, нақшсиз эшиклар, ваннага ўрнатилмаган жиҳозлар, хуллас уйга керакли бўлган қурилиш молларни шу ердан топса бўлади.

И.Яшин турмуш ўртоғи билан "Эшиклар" деган ёзув турган дўконига қиради. Улар дўконда ишловчи Раҳимжон Мўминов билан учрашиб мақсад муддосини айтади.

– Жуда яқин-да, – дейди Раҳимжон Мўминов харидорларга юзланиб, – Сиз айтган нарсаларни тайёрлаб берамиз. Битта гални очиб айтмай, пулини олдиндан тўлайсизлар.

Хуллас, бир донга металл эшик, бир донга МФД эшик, хоналараро ўрнатиш учун тахтали девор, душ каби наса ва бошқа жиҳозларни ясаб беришининг нархи 12.087.150 сўмга баҳоланади.

Уста алдамайди-ку. Эр-хотин шу ҳаёлда келишилган пулни

Раҳимжон Мўминовга беришади. Кунларнинг бирида уста келиб, металл эшик ўрнатиб кетади. Уй эгаси ҳайрон бўлиб устага қаради.

– Оғайни, биз сизга бунақанги эшикка буюртма бермаганмиз. Қолаверса, сиз ўрнатган эшикнинг нархи арзон...

Раҳимжон Мўминов унинг гапини шартта бўлди.


– Сиз берган заказни тайёрлаб, ўрнатганимиздан кейин қайта ҳисоб-китоб қиламиз. Қўрқманг, сизни алдамайман.

Ёзда эса И.Яшин қўшимча буюртма бериб, Раҳимжон Мўминовга яна 1.500.000 сўм пул беради.

Баҳорда берилган буюртма киша келиб ҳам бажарилмади. Теллефонига қайта-қайта кўнғирок қилишди. Жавоб йўқ. Тоқати тоқ бўлган И.Яшин ваъдасини бажармаган устага чора кўришларини сўраб, тегишли жойга ариза ёзишга мажбур бўлди. Сўраб-суриштиришлардан кейин маълум бўлдики, уста пулни ахтиёжи учун сарфлаб юборган экан. Р.Мўминовга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Ўзгани алдаб, унинг ишончига кириб, пулини олган уста қонуний жазога тортилди.

Шерзод ЭШМАТОВ, Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди судьяси



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРИДИР

Оқил вақтини, жоҳил нақдини афзал кўради.

Фақирликка тақдирдан ташқари, ношудлик ва танбаллик ҳам сабаб бўлади.

Нодон биров билан маслаҳатлашишдан ор қилади.

Биз ўзимизга кераги йўқ нарсани кўп биламиз.

Бахтли эканингни бахтсиз бўлганингда биласан.

Одамга бойлик ва амал бериб си-наб кўр деганлари рост экан.

Ҳар қандай раҳму шафқатнинг ҳам чегараси бор.

Нодон ҳам кўрдай гап: кўр дунёни кўролма, нодон унинг моҳиятини тусунмайди. Чунки унинг қалби кўр, ақли кўр.

Чала ишнинг давоми бўлиши керак.

Тор кўнгил – хор кўнгил.

Фақат нодон ҳамма нарсани биламан дейди.

Киши ўзига келиши учун вақт керак.

Қаҳру ғазаб – жонга азоб.

Пул ишқи дилни қовжиратади.

Эркак – ақл тимсоли, аёл – кўнгил.

Суюган деворининг тагини қовлама.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 12.12.2018 йилда № 656021 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "ВФВ COMPANY" МЧЖ (СТИР 305900023) таъсисчининг 01.03.2019 йилдаги № 2 қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мuddат ичида Юнусобод тумани, 17-мавзё, 14-уй, 31-хонадон манзилида қабул қилинади.

Тошкент тижорат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи томонидан 2008 йилда Султонова Муаттар Абдуқодировна номига берилган К № 1088978 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Эрматова Камола Азизбековнага тегишли ААВ № 0620170 рақамли 02.02.2007 йилда берилган ҳайдовчилик гувоҳномаси, давлат рақами 01898 ZFA Лассетви русумли енгил автомобилнинг техник паспорти, талони йўқолганлиги сабабли топиб олган шахслардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз. Мурожаат учун телефон +99890 946-32-28.

Advertisement for 'UZGIDROMET' (Ўзгидромет) with contact information and services offered.